

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

586 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 26 декабрь,
ПФ-4491-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2012 йил 26 декабрдаги
ПФ-4491-сонли Фармониغا
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2013 йилнинг 1 январидан киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1994 йил 16 июндаги ПФ-871-сонли Фармонида:

- а) 1-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«14 ёшгача вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ҳар ойлик нафақа;
- б) 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 3-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14 ёшгача вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ҳар ойлик нафақалар учун — республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 23 августдаги ПФ-938-сонли Фармони 4-бандининг учинчи хатбошидаги «амалдаги» сўзидан олдин «йил бошида белгиланган» сўзлари қўшиб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида» 1996 йил 10 декабрдаги ПФ-1657-сонли Фармонида:

а) 1-бандида «16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақаларни» сўзлари «14 ёшгача вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ҳар ойлик нафақаларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки, 14 ёшгача вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ҳар ойлик нафақалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шахарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари) томонидан оилаларнинг шундай нафақага муҳтожлиги ҳисобга олинган ҳолда тайинланади ва тўланади.

14 ёшгача вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ҳар ойлик нафақалар бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат таъминлашга аҳолининг ҳақдорлиги риоя этиш, кенг ошкоралик ва очикликни таъминлаш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш мажбурий шартлар деб ҳисоблансин».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида» 2002 йил 25 январдаги ПФ-3017-сонли Фармонида:

а) 2-бандидаги «энг кам» сўзларидан олдин «йил бошида белгиланган» сўзлари ёзилсин;

б) 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 19 мартдаги ПФ-3864-сонли Фармони 3-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда энг кам иш ҳақининг 1 баравари, Тошкент шаҳрида 1,5 баравари миқдоридан» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланган миқдорларда» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармони 8-бандидаги «кичик корхоналар» сўзларидан кейин «(табiiй газни транзит ва экспорт қиладиган корхоналар бундан мустасно)» сўзлари қўшиб қўйилсин.